

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА



2021 йил махсус сон



142	К вопросу о роли духовности в формировании патриотизма у молодежи Джуманазарова З.	673
143	Boshlang'ich sinf o'quvchilarini jismoniy tarbiya darslarida harakatli o'yinlardan foydalananish samaradorligi Ismoilov T., Sultanov B., Artikova N.	677
144	Нотулиқ оиласарда болаларни ижтимоий ҳаётта тайёлашнинг педагогик механизmlари Асрарбаева М.Х.	681
145	Ўқувчиларда ўзбек менталитетига хос маънавий-ахлоқий хусусиятларни шакиллантиришида бадиий асарларнинг ахамияти Усмонова М.Б.	688
146	Bo'lajak o'qituvchilarda media kompetentlikni rivojlantirishning pedagogik asoslari Qambarov M.M.	693
147	Эффективность применения творческих заданий в развитии речевой деятельности Мирзахалова Г.У.	698
148	Ўсмирилик ёшидаги болаларнинг морфофункционал хусусиятлари Иминжанов Р.А., Холматов Н.У.	702
149	Ҳарбий ватанпаварлик тарбиясига қўйиладиган замонавийижтимоий-педагогик талабалар Мамажонов Р.А.	707
150	Педагог кадрлар малакасини ошириш жараёнида тингловчиларда касбий компетентликни оширишнинг педагогик шарт-шароитлари Нельматова С.И.	713
151	"Inklyuziv ta'lim m uhitida pedagogik faoliyatni tashkil etishning xozirgi kun muammolari" Xusanov A.A.	720
152	Тиббий педагогикада модел ва векторли модельлаштириш Кадирова М.Р.	724
153	1-сinf ўқувчиларида мантиқий масалалар ёрдамида математик тафаккурни шакиллантириш Каримова К.Р.	733
154	Мактабгача таълим ёшидаги боланинг тарбиялашда оила, махалла ва подавлат нотижорат ташкилотлари хамкорлиги. Абдуллаева М.А., Абдуллаева Н.С.	740
155	Бошлангич синф ўқувчиларида креатив фикрлаш кўнижмаларини ривожлантириш технологиялари Тураева Н.З.	744
156	Олий таълимда Э.Вохидов ижодининг мультимедияли таъминотини яратишида ахборот дастурий воситалардан фойдаланиш Хужамбердиева Ш.К.	748
157	Публицистика писателей как источник обогащения педагогического процесса Абдулвохидов Э.	753



**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ЁШИДАГИ БОЛАНИНГ ТАРБИЯЛАШДА
ОИЛА, МАХАЛЛА ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ
ҲАМКОРЛИГИ.**

Масуда Абдуллаева Абдубаннаевна доцент п. ф. н.НамДУ.
Нимуфар Абдуллаева Содикжоновна докторант НамДУ.

Аннотация Ушбу мақолада баркамол авлодни тарбиялаш гояси ҳам миллий, ҳам умуминсоний характерга эга эканлиги, таълим муаммоси - бу шахслар, оиласлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оиласлар ва маҳаллий жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар жанлиги таъкидланган.

Калим сўзлар: Таълим; таълим; интеграция; оила; узлуксиз таълим; қиймат; баркамол авлод; ҳамкорлик;

**СОТРУДНИЧЕСТВО СЕМЬИ, СООБЩЕСТВА И ОБЩЕСТВЕННЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ В
ВОСПИТАНИИ ДОШКОЛЬНИКОВ.**

Абдуллаева Масуда Абдубаннаевна п.ф.н.доцент
Наманганского государственного университета
Абдуллаева Никуфар Содикжоновна докторант Наманганского государственного
университета

Аннотация: В данной статье подчеркивается тот факт, что идея воспитания гармонично развитого поколения имеет как национальный, так и универсальный характер, проблема образования - это взаимоотношения индивидов, семей, НПО с семьей и местным сообществом.

Ключевые слова: Образование; образование; интеграция; семья; продолжая образование; значение; гармонично развитое поколение; сотрудничество;

**COOPERATION OF FAMILY, COMMUNITY, AND NON-GOVERNMENTAL
ORGANIZATIONS IN THE UPBRINGING OF PRESCHOOL CHILDREN.**

Annotation: This article emphasizes the fact that the idea of educating a harmoniously developed generation has both a national and a universal character, the problem of education is the relationship of individuals, families, NGOs with the family and the local community.

Keywords: Education; education; integration; a family; continuing education; value; harmoniously developed generation; cooperation;

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизими ва мазмунини такомиллаштириш, уни давр талаблари билан уйғуллаштириш йўлидаги ислоҳотлар жадал суръатлар билан давом этмоқда.

Узлуксиз таълимнинг пойдевори хисобланган мактабгача таълим тизими маънан мукаммал ва интеллектуал ривожланган шахсни тарбиялаш, болани бутун келажагини белгилаб берадиган билим ва қадриятларни ёш авлод қалбига сингдиришида муҳим аҳамиятта эга бўлган босқичдир. Шу боис мамлакатимизда мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият курсатишига қаратилган норматив-хуқуқий хужжатлар кабул килиниб, комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



2017 - 2021 йиларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мактабгача таълим муассасалари тармогини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг хар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминиаш, педагог ва мутахassislarнинг малака даражасини юксалтириш⁷¹ долзарб муаммо сифатида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан мактабгача таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, болалар қамровини ошириш ва бу орқали аёллар - оналарни ижтимоий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга жуда катта эътибор каратилим оқда.

Президентимизнинг ...бона дунёга келганидан бошлаб, унда айнан мактабгача бўлган ёнда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади. Шу боис ҳам келгуси йилларда мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш борасидаги стратегик мақсадимиз - бояч ёшидаги хар бир болани ушбу таълим йўналиши билан тўлиқ қамраб олиш учун зарур шароитларни яратишдан иборат⁷², деган сўзлари фикримизнинг яққол далилийдир.

Шунингдек, юртбошимиз Ҳалқаро хотин-қизлар кунига бағишилаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқида бу масала ҳакида сўз юритиб: "...мен "богчага борган бола билан bogchaga bormagan bolanining urtasiida kattha farq borb", деган фикрни, ҳаётий ҳақиқатни тақрор-такрор айтишдан, уни ҳамма жойда даъват қилишдан чарчама йман. ... "Богчага борган боланинг онаси билан bogchaga bormagan bolanining onasi urtasiida ham kattha farq borb". Чунки ҳар куни тарбиячилар, педагог мутахassislar, психологлар, тиббиёт ҳодимлари билан мулоқотда бўлиб, боласидаги ижобий ўзгаришларни кўриб, сналарнинг ҳам билими, ҳаётий тажрибаси, маданий савиаси ошади. Болалари билан бирга улар ҳам ижтимоий-матнавий тарбия мухитига, жамиятга якилашади, фаоллашади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, биз мактабгача таълим соҳасига улкан эътибор бермоқдамиз⁷³", - деб таъкидлайди.

МТТларининг оила ва маҳаллий жамоатчилик билан ҳамкорлик алоқаларни ўрнатиш зарурияти ҳозирги пайтда долзарб бўлиб қолмоқда. Олиб борилган иммий тадқиқотлар ва тажрибалар шуни кўрсатадики, тарбиячиларнинг оиласалар билан кучли ҳамкорлиги болаларнинг ривожланиши ва таълим олишига ижобий таъсир этади. Шахса йўналтирилган таълим ушбу ҳамкорликни МТТларида бериладиган таълимни кучайтириш ва кенгайтириш, шунингдек, уйда ва жамиятда содир бўлаётган қизиқиш ва таълимни ривожлантириш учун зарур ишончга асосланади.

Дарҳақиқат, тарбиячилар ва ота-сналарнинг бола онгига таъсири қарама-карши булмаслиги, аксинча уйбунаштан, бир-бирини тўлдириган ҳолда, бола томонидан ижобий ва фаол тарзда қабул килиниши мухим аҳамият касб этади.

⁷¹ 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ**. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонги Фармонига 1-ИЛОВА.

⁷² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевни 2020-йил 29 декабрь куни олий мажлис ва халқимизга килган мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.

⁷³ <https://www.gazeta.uz/uz/2019/03/07/prezident-tarzik/>



Маълумки, баркамол авлодни тарбиялаш гояси ҳам милий, ҳам умуминсоний характерга эга булиб, у башариятни маънавият ва маърифатга, эзгулик ва юксакликка олиб борувчи комиллик сари йўлдир. Шу сабабли ҳам инсоният пайдо бўлибдики, тарбия масаласи кишилар, оиласалар, жамоалар, давлатлар олдида муҳим муаммо бўлиб келмоқда ва улар кўп вариантили йўллар, воситалар билан турлича шакиларда, услубларда амалга оширилмоқда.

Аслида бола тарбияси она қорнидалиги пайтидаёқ бошлиланмоғи лозим. Шу сабабли ҳам жисмонан бақувват, маънан етук инсонлар доимо улуғланиб келинган ва ҳаттоқи жисмонан бақувват инсонларга полвон ҳамда жисмонан, маънавий етук инсонларга пахлавон деб ном берилган.

Шахснинг ҳар томонлама шаклланишида мактабгача ёши ўзига хос аҳамиятта эга давр саналади. Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда 3-7 ёштага бўлган болаларни тарбиялаш масаласига жиддий эътибор берилмоқда.

Баркамол авлод тарбиясида оила ва таълим ташкилотлари ҳамкорлиги жамиятда маънавий-ахлоқий муҳит барқарорлигининг асосий омили саналади. Шу боис мамлакатимизда узлуксиз маънавий тарбия тизими ва мазмунини такомиллаштиришда ўзаро ҳамкорликка таяниш заруряти пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги карорида ...хомиладорлик давридан бошлаб 30 ёштага давом этадиган узлуксиз маънавий тарбияни амалга оширишда ота-сна, тарбиячи, ўқитувчи, узлуксиз таълим муассасалари ва маҳалла жамоатчилигининг ўзаро самарали ҳамкорлиги механизмини ишлаб чиқиш ва хаётта жорий этиш; аҳомининг фарзанд тарбияси бўйича билимларини, педагогик маданиятини ошириш, фуқароларни узлуксиз маънавий тарбиянинг жаҳон тажрибасида синовдан ўтган самарали педагогик технологиялари, усуллари ва амалга ошириш шакллари билан мунтазам танишириб бориш⁷⁴ концепция ва чора-тадбирлар режасини амалга оширишнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб бериди.

Сўнгти йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорлари қабул қилингандан сўнг, оила ва мактабгача таълим ташкилотлари ўргасидаги ўзаро ҳамкорликнинг замонавий тизимини жорий этиш заруряти юзага чиқа бошлади. Бу ота-сналар болаларни тарбиялаш ва ривожлантириш учун жавобгартир ва бошқа барча ижтимоий институтлар фаолиятини қўллаб-куватлашга ва тўлдиришга чакирилади деган фикрга асосланади. Бундан кўриниб турибдики, мактабгача таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш оила ва мактабгача таълим ташкилоти интеграцияси асосида амалга оширилиши зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Конунида ҳам мактабгача бўлган ёшдаги болаларга таълим, тарбия бериш ва уларни соғломлаштиришнинг, оила ҳамда мактабгача таълим ташкилоти тарбиявий

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сон Конуни. 2019 йил 16 декабрь.



тъсирининг бирлиги⁵ мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари қаторида алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Буунги кунда ота-оналарнинг бола шахсининг шаклланишида мактабгача таълимнинг ижобий жиҳатлари ва фойдаси ҳакида етарлича маълумотга эга эмаслиги⁶ болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш даражасини пасайтирувчи омиллардан бири хисобланади. Шунинг учун мактабгача таълимнинг бола шахсини шакллантиришдаги роли ва муҳимлиги ҳакида тушунтириш тадбирларини олиб бориш, ушбу фаолиятта нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва ота-оналарни фаол жалб қилиш болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш кўламини ошириш ва таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш имконини беради.

МТГнинг оила билан ҳамкорлиги бўйича ишлаш тизимида аниқ мақсад, мазмун булиши керак. Ота-оналар билан ҳамкорлик борасида аввал эришилган ютуқ ва тажрибаларнинг натижаларини таҳлия қилиб, хилма-хил ва ўзаро боелиқ бўлган шакл ва усуллар ёрдамида режали ва изчил ишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбек халқининг миллий қадриятлари, миллий-маънавий маданияти, ўз мустақилигини мустаҳкамлаш борасида барча фуқароларимиз баҳоми қудрат ҳаракат қилаёттан ҳозирги даврда ҳар бир ота-онанинг бола тарбияси ва ривожланиши, унинг келажаги ҳақидаги илмий-педагогик билимларини такомиллаштириш давр талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантаришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли [Фармонига 1-ИЛОВА](#).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевни 2020-йил 29 декабрь куни олий мажлис ва халқимизга қиласан мурожаатномаси. [Https://president.uz/uz/lists/view/4057](https://president.uz/uz/lists/view/4057).
3. “Ўзлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадибirlари тўғрисида”ти Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон карори.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ти ЎРК-595-сон Конуни. 2019 йил 16 декабрь.
5. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантариш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПК-4312-сон карорига 1-илюва.

Ахборот манбаалари:

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси хукумат портали.
1. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. www.mehnat.uz (O'zbekiston Respublikasi Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirligi)